

УДК: 347.440 (043.5) (575.1)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Сайдивалиева Хуршида Ходжиакбаровна Аудиторлик фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш.....	3
Сайдивалиева Хуршида Ходжиакбаровна Договорно-правовое регулирование аудиторской деятельности.....	25
Saydivalievna Khurshida Khodjiakbarovna Contractual legal regulation of audit activity.....	45
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	49

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Ҳ.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

САЙДИВАЛИЕВА ХУРШИДА ХОДЖИАКБАРОВНА

АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШ

12.00.03–Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи.
Халқаро хусусий ҳуқуқ.

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2020

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3. PhD/Үю304 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиди бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Рўзиев Рустам Жабборович юридик фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Қараходжаева Дилором Мамировна юридик фанлари доктори, профессор Топилдиев Воҳиджон Раҳимжонович юридик фанлари номзоди, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Үю.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «7» октябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz.)


Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (930- рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, А.Темур кўчаси 13. Тел.: (99871) 233-66-36.

Диссертация автореферати 2020 йил «22» сентябрь куни тарқатилди.
(2020 йил «22» сентябрдаги 25- рақамли реестр баённомаси).




И.Р. Рустамбеков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор в.б.


Д.Ю. Хабибуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди, профессор


С.С. Гулямов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аудиторлик фаолиятининг хизмат турларидан фойдаланиш кенг ривожланган. Хусусан, IFAC – Халқаро бухгалтерлар федерациясининг расмий ҳисоботига кўра, 130 га яқин давлатларда 175 дан зиёд профессионал бухгалтерлар уюшмалари, 3 миллиондан зиёд профессионал аудиторлар, 100 мингдан ортик аудиторлик ташкилотлари мавжуд. Улар орасида «Катта тўртлик»нинг шартномавий мажбуриятларини бажаришдан келиб тушган умумий даромад 2019 йилда 155 миллиард АҚШ долларини ташкил этди, бу сўнгги беш йил ичида кўрсатилган аудиторлик хизматларининг 25,3%га ошганлигини кўрсатди. Биргина Deloitte ташкилотининг ўзи 150 та давлатда 1600 дан зиёд шартнома асосида аудиторлик текширувларини ўтказиб, 46,2 миллиард АҚШ доллари миқдоридидаги даромад¹ни қайд этди, мазкур жараёнда аудиторлик фаолиятини шартномавий ҳуқуқий тартибга солиш аҳамиятини ўрганиш долзарблик касб этмоқда.

Жаҳонда аудиторлик фаолиятининг бир кўриниши сифатида аудиторлик хизматларининг ишончлилиги ва сифатини ички ҳамда ташқи назорат қилиш, аудиторлик хизматлари сифатининг мезонлари каби масалаларнинг долзарблиги билан биргаликда рақамли иқтисодиётда катта маълумотлар базасининг таҳлили (big data analytics) билан ишлаш, блокчейн, дронлар, краудсорсинг, майнинг, корхона молиявий ҳолатининг башорати (legal due diligence), ақли шартномалар, когнитив технологияларнинг пайдо бўлиши аудиторлик фаолиятининг узлуксиз мониторинги, аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси тарафларининг шартномавий мажбуриятларини бажаришда ушбу технологияларни қўллаш бўйича шартнома шартлари ва шартномавий жавобгарлик масалаларининг ечимини топиш долзарб масалалардандир.

Республикамизда аудиторлик фаолиятининг такомиллашуви жараёни давом этмоқда, 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, 98 та аудиторлик ташкилоти фаолият кўрсатган, аудиторлар сони 584 кишини ташкил қилган. Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт шароитида аудиторлик фаолиятига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шу жумладан, халқаро стандартлар асосида аудиторлик хизматлари сифатини ташқи назорат қилишнинг таъсирчан тизимини шакллантириш², аудиторлик фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солишда шартноманинг регулятив функциясини ошириш, шунингдек, шартнома мажбуриятларини халқаро стандартларга уйғун равишда бажариш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1997), «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги (2000), «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг

¹<https://www2.deloitte.com/content/dam/deloitte/global/documents/about-deloitte/about-deloitte-global-report-public-interest-2019.pdf>.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3946-сон Қарори// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz/docs/3914502.